

«Ўзбекгеофизика» АЖнинг  
2022 йил «31» август кунидаги  
117 - сон буйруғига  
5 - илова

**«Ўзбекгеофизика» АЖда тузилаётган шартномаларни келишиш,  
имзолаш ва ижро этиш Сиёсати («Сиёсат»)**

**Тошкент – 2022 й.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b>	<b>2</b>
<b>2. ШАРТНОМАЛАРНИ КЕЛИШИШ ТАРТИБИ</b>	<b>5</b>
<b>3. ШАРТНОМАЛАРНИНГ МАЗМУНИ, АСОСИЙ ТАЛАБЛАР</b>	<b>9</b>
<b>4. ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ</b>	<b>13</b>
<b>5. МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ БЎЛИНМАЛарНИНГ (ШАХСЛАРНИНГ) ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ</b>	<b>14</b>
<b>6. ШАРТНОМАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА САҚЛАШ</b>	<b>16</b>
<b>7. БОШҚА ҚОИДАЛАР</b>	<b>17</b>
<b>8. 1-ИЛОВА, ШАРТНОМАНИ КЕЛИШУВ ВАРАҒИ</b>	<b>19</b>
<b>9. 2-ИЛОВА, ШАРТНОМАНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БАНДНИНГ НАМУНАСИ</b>	<b>20</b>
<b>10. 3-ИЛОВА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН КОНТРАГЕНТЛАРДАН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР</b>	<b>21</b>

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тарафларидан бири бўлган «Ўзбекгеофизика» АЖ (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) томонидан шартномалар тайёрлаш, келишиш ва тузиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида Жамият учун энг қулай ва мақбул шартларда шартномалар тузиш ва бажарилиши, шунингдек, турли салбий хуқуқий ва молиявий оқибатларнинг олдини олишни кафолатлади.

Агар контекстда бошқача назарда тутилмаган бўлса, ушбу таърифлар қуйидаги маънога эга:

**Ташаббускор бўлим** - маҳсулотлар, ишлар ва/ёки хизматларни сотиб олиш/сотиш учун ариза берган Жамиятнинг бўлим ва/ёки бошқа таркибий бўлинмаси.

**Ташаббускор** - Шартномани тузиш ва бажариш учун масъул бўлган Ташаббускор бўлим ходими, у ушбу Сиёсатга мувофиқ, Жамиятнинг мувофиқлаштирувчи бўлинмалари (шахслари) билан шартноманинг келишиш ва имзолаш жараёнини амалга ошириш учун жавобгардир.

**Ваколатли ходим** — агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқарув раиси ёки белгиланган тартибда тузилган шартномаларни тузиш (имзолаш) ва / ёки ҳисоб-фактураларга имзо чекиши хуқуқига эга бўлган Жамият ходими

**Шартнома** – Жамият ва контрагент (бир нечта контрагентлар) ўртасидаги хукуқ ва мажбуриятларнинг ўрнатилиши, ўзгариши ёки бекор қилинишига олиб келадиган ёзма шартнома. Шубҳаларни бартараф этиш учун ушбу Сиёсат мақсадлари учун шартнома доирасида ёки тузилган шартномаларга қўшимча битимлар ҳам тушунилади.

**Хуқуқий экспертиза** — шартноманинг амалдаги қонунчилик талаблариiga амалдаги мувофиқлигини аниқлаш мақсадида Жамият Юридик бўлими томонидан ўтказиладиган процедура, унинг бажарилиши Юридик бўлим ходими томонидан ушбу Сиёсатга 1-илова билан белгиланган шаклда ёки тегишли шартнома бўйича хулоса бериш йўли билан келишилган варакқа тегишли белги (виза) қўйилиши билан тасдиқланади.

**Махфий ахборот** - бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки бундай ахборот эгасининг ички меъёрий ҳужжатлариiga мувофиқ чекланган ахборотни ҳар қандай шаклда, қабул қилиш, қайта ишлаш, узатиш ёки улардан фойдаланишини назарда тутади, шу жумладан:

**Давлат сирлари** – алоҳида аҳамиятга эга, давлат томонидан қўриқланадиган ва маҳсус рўйхатлар билан чегараланган Ўзбекистон

Республикасининг мутлақо махфий бўлган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа маълумотлари;

**Тижорат сири** - илмий-техникавий, технологик, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тижорат аҳамиятига эга бўлган, унинг учинчи шахсларга номаълум бўлганлиги сабабли қонуний асосда эркин фойдаланиш имкони бўлмаган ахборот саналиб, ушбу ахборот эгаси унинг махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

**Хизмат сири** — бу фан, технология, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасидаги маълумотлар бўлиб, бу маълумотларнинг ошкор қилиниши Жамият манфаатларига зарар етказиши мумкин.

**Стандарт шартномалар** — стандарт шакллари Жамият бошқаруви раисининг буйруқлари билан ёки ушбу Сиёсатда белгиланган бошқа тартиблар билан тасдиқланган шартномалар.

**Коррупцияга қарши банд** - Жамият келишувларига киритилган махсус қоидалар, бу қоидалар тарафларга шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш мажбуриятини юклайди.

**Виза** — келишиш варағидаги мувофиқлаштирувчи бўлинма (шахс) томонидан шартномани тасдиқлаш белгиси, шу жумладан, тегишли мансабдор шахснинг шахсий имзоси, фамилияси, санаси.

**Мувофиқлаштирувчи бўлинма (шахс)** – ушбу Сиёсатнинг 2.3-бандида кўрсатилган бўлинмалардан (шахслардан) бири.

1.2. Шартномаларни расмийлаштириш Ташаббускор бўлимлар томонидан амалга оширилади.

1.3. Сиёсат шартномаларни тузиш жараёнининг иккита вариантини назарда тутади:

1) қуидаги 2-бўлимга мувофиқ келишишнинг мажбурий дастлабки тартиби билан шартномалар тузиш;

2) дастлабки келишувни талаб қилмайдиган шартномалар тузиш, яъни:

- биржа савдоларида Жамиятнинг биржа брокерлари томонидан тузилган шартномалар;

- валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича шартномалар;

- табиий монополиялар субъектлари, шу жумладан, табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув етказиб бериш учун коммунал хизмат кўрсатувчилар билан чекланмаган ҳолда тузилган шартномалар;

– меҳнат шартномалари (ходимларни танлаш ва фаолиятга жалб қилиш учун белгиланган тартибда тасдиқланган).

1.4. Юқорида 1.3.2-бандида кўрсатилган шартномалар Жамиятнинг Ташаббускор бўлими бошлиғи, Бош бухгалтери, шунингдек, Юридик бўлмининг тегишли ваколатли ходимлари томонидан келишиш варақасининг визалари мавжуд бўлган тақдирда, имзоланади.

1.5. Ташаббускор 1.3.2-бандида кўрсатилган шартномаларни имзолашда:

– шартнома тузилган контрагентнинг «Ўзбекгеофизика» АЖ контрагентларини текшириш реестрида ва «Ўзбекгеофизика» АЖнинг ноҳалол контрагентлари реестрида мавжудлигини текшириш («Ўзбекгеофизика» АЖнинг контрагентларини текшириш бўйича қўлланманинг 2.1.2-бандида кўрсатилган контрагентлар тоифалари бундан мустасно).

«Ўзбекгеофизика» АЖ контрагентларини текшириш реестрида контрагент бўлмаган ёки 1 (бир) йилдан ортиқ вақт олдин текширилган тақдирда, «Ўзбекгеофизика» АЖ контрагентларини текшириш бўйича қўлланмага мувофиқ шартнома тузадиган контрагентнинг ишончлилигини текшириш тартиби бошланади ва текшириш тугагунга қадар ушбу контрагент билан шартнома келишиш тўхтатиб қўйилади.

«Ўзбекгеофизика» АЖнинг ноҳалол контрагентлари реестрида контрагент мавжуд бўлган тақдирда, тегишли контрагент билан шартнома тузиш зарурлигининг асоси ҳужжатлар тўпламига илова қилинади.

– Ушбу шартномалар имзоланмасидан олдин, тасдиқланган бизнес-режа бўйича шартнома бўйича харажатларнинг мувофиқлиги учун Жамиятнинг “Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил” бўлимининг ходими билан келишиши керак.

1.6. Юқоридаги 1.3.1 - бандида кўрсатилган шартномаларни имзолашда, Ташаббускор ушбу Сиёсатнинг 2-бўлимида кўзда тутилган тартибни олдиндан бажариши шарт:

- «Ўзбекгеофизика» АЖнинг контрагентларни текшириш реестрида «Ўзбекгеофизика» АЖнинг ноҳалол контрагентлар реестрида шартнома тузилган контрагентнинг мавжудлигини текшириш («Ўзбекгеофизика» АЖнинг контрагентларини текшириш бўйича қўлланмасининг 2.1.2-бандида кўрсатилган контрагентлар тоифалари бундан мустасно.)

«Ўзбекгеофизика» АЖ контрагентларини текшириш реестрида контрагент бўлмаган ёки 1 (бир) йилдан ортиқ вақт олдин текширилган тақдирда, «Ўзбекгеофизика» АЖнинг контрагентларини текшириш бўйича қўлланмасига мувофиқ шартнома тузадиган контрагентнинг ишончлилигини текширув жараёни бошланади ва текширув тугагунга қадар ушбу контрагент билан шартнома келишиш тартиби тўхтатилади.

Агар «Ўзбекгеофизика» АЖнинг ноҳалол контрагентлар реестрида контрагент мавжуд бўлса, тегишли контрагент билан шартнома тузиш зарурлигининг асоси ҳужжатлар тўпламига илова қилинади.

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Жамиятнинг барча харид тартиб-қоидаларига риоя қилиш, шу жумладан, етказиб берувчиларни танлашнинг тўғри жараёнини таъминлаш талаб қилинади.

1.7. Олдиндан тузилган шартномаларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу Сиёсатда кўрсатилган келишиш ва тасдиқлаш тартибидан ўтади.

1.8. Контрагентнинг имзоси билан келишиш учун берилган шартномалар ушбу Сиёсатда назарда тутилган тартибда келишиллади, агар зарур бўлса, келишиш якунлари бўйича келишмовчилик баённомаси тузилади.

## **2. ШАРТНОМАЛАРНИ КЕЛИШИШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамият томонидан тузилган барча шартномалар ушбу Сиёсатнинг 2.3, 6.2 - бандларига мувофиқ ушбу Сиёсатда белгиланган тартибда ва шартнома предметига эгалик ҳуқуқига кўра, Жамиятнинг тегишли тасдиқловчи бўлинмалари (шахслари) билан олдиндан келишилган бўлиши керак. Шартномага розилик билдириш учун зарур бўлган барча визалар ушбу Сиёсатнинг 1-иловасида белгиланган шаклга мувофиқ тасдиқлаш варафига жойлаштириллади. Жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари учун шартномаларни келишишнинг ягона тартиби белгиланади.

2.2. Шартномани келишиш учун Ташаббускор мувофиқлаштирувчи бўлинмаларга (шахсларга) қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- шартнома лойиҳаси;
- шартнома матнида кўрсатилган барча иловалар, шунингдек, шартнома лойиҳасида ҳаволалар мавжуд бўлган ҳужжатлар;
- ушбу Сиёсатга 1-илова билан белгиланган шаклдаги келишиш варақаси;
- харид қилиш учун Жамиятда белгиланган тартибда келишилган ариза (харид қилиш зарурлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат);
- етказиб берувчини танлаш тўғрисида қарор (масалан, баҳолаш танлов комиссияси баённомаси, етказиб берувчини танлаш бўйича бошқа ҳужжат);
- контрагентни Жамиятнинг контрагентларни текшириш бўйича Кўлланмага мувофиқ текшириш тўғрисидаги хулоса/контрагентнинг «Ўзбекгеофизика» АЖнинг контрагентларини текшириш реестрида мавжудлигини ва «Ўзбекгеофизика» АЖнинг ноҳалол контрагентларида реестри йўқлигини тасдиқлаш;
- агар контрагентга нисбатан салбий баҳо берилган бўлса ёки контрагент «Ўзбекгеофизика» АЖнинг ноҳалол контрагентлари реестрида бўлса, контрагент билан шартнома тузиш заруратини асослаш;
- ушбу Сиёсатнинг 5.2-бандида кўрсатилган контрагентнинг ҳужжатлари.

2.3. Шартномани имзолашдан олдин Ташаббускор ушбу Сиёсатнинг 5-бўлимида кўрсатилган ваколатларига мувофиқ келишиш

варақасида барча мансабдор шахсларнинг визаларини қуидаги тартибда олиши керак:

- 1) Ташаббускор;
- 2) Ташаббускор-бўлим бошлиғи;
- 3) Бош бухгалтер;
- 4) “Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил” бўлимининг бошлиғи;
- 5) “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими бошлиғи (ушбу Сиёсатнинг 3.4.3-бандида назарда тутилган ҳолларда);
- 6) Юридик бўлим ходими;
- 7) «Ўзбекгеофизика» АЖ раисининг ўринbosари (шартнома предметининг эгалик ҳуқуқига қараб).

Ташаббускор, шунингдек, ушбу Сиёсатнинг юқорида кўрсатилган бандига мувофиқ маълум бир шартноманинг ўзига хос хусусиятларига қараб, шартнома лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлашга Жамиятнинг бошқа тасдиқловчи бўлинмалар (шахслар)ни жалб қилиши мумкин. Бундай қўшимча тасдиқловчи бўлинмалар (шахслар) тасдиқлаш варағига алоҳида сатрларда қўшилади.

2.4. Кредит, ссуда, гаровни бажариш (олиш) билан боғлиқ шартномалар тузишда Кузатув кенгашининг қарорини (агар лозим бўлса) олиш мажбурийдир. Қўшимча келишувлар зарурлигини текшириш ва уларни бошлаш (агар бундай келишувлар қабул қилинмаган бўлса) Юридик бўлим томонидан амалга оширилади.

2.5. Визада расмий шахснинг шахсий имзоси, фамилияси, санаси бўлиши керак. Виза аниқ бўлиши керак. Тасдиқлаш варақаси кейинги ҳисобга олиш ва сақлаш учун шартномага илова қилинади.

2.6. Ташаббускор бўлим ва Жамият ушбу Сиёсатнинг 5-бўлимида кўрсатилган ваколатларга мувофиқ, мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (шахслар) нинг ҳар бири 2.3-бандда кўрсатилган шартноманинг мазмуни, асосий шартлари, шунингдек, 2.2-бандида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар билан танишиши ва шартнома шартларининг талабларга мувофиқлигини аниқлаши керак.

2.7. Ушбу Сиёсатнинг 2.2-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг электрон шакли (сканер қилинган нусхалари Сиёсатнинг 2.3-бандида кўрсатилган) мувофиқлаштирувчи бўлинмаларга (шахсларга) ушбу ўрганиш учун тақдим этилиши мумкин. Шу билан бирга, 2.2-бандида кўрсатилган келишиш ҳужжатларининг асл нусхалари ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини мувофиқлаштирувчи бўлинмаларга (шахсларга) тақдим этиш ушбу Сиёсат билан мажбурий ҳисобланади. Электрон шаклда виза олиш тақиқланади.

2.8. Ушбу Сиёсатнинг 2.2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар билан шартнома тузиши ва тасдиқлаш муддати мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (шахслар) томонидан олинган кундан бошлаб 2 (икки) иш кунидан ошмаслиги керак.

Шартномани тасдиқлаш учун тақдим этилган лойиҳанинг ҳажмига қараб, Жамиятнинг Юридик бўлимида шартнома бўйича ҳукукий экспертиза ўтказиш муддати шартнома тасдиқлаш учун олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида амалга оширилиши мумкин.

2.9. Агар мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (шахслар) шартноманинг келишилган шаклига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритса, бундай ўзгартиришлар келишиш варагидаги ўзгаришларга мос ҳавола билан "Word" ҳужжатидаги "Тузатишлар" функциясидан фойдаланиб амалга оширилиши керак, таклиф қилинган матн "Изоҳлар" бўлимида келишиш варагида ёки келишиш варагининг иловасида кўрсатилиши керак (келишиш варагида тегишли ҳавола билан).

2.10. Агар 2-3-бандида кўрсатилган мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (шахслар) томонидан шартномага нисбатан салбий хulosса чиқарилган бўлса, шартнома лойиҳаси Ташаббускорга қайта кўриб чиқиш учун юборилади. Бундай ҳолда, салбий хulosанинг асоси келишиш варакасида акс эттирилиши керак.

Агар Жамиятнинг Юридик бўлимида шартнома бўйича изоҳлар мавжуд бўлса, шартнома бўйича асосли хulosса ва шарҳларни ўз ичига олган белгиланган шаклдаги хulosса тузилади ҳамда Юридик бўлимнинг юристи томонидан имзоланади.

2.11. Шартнома лойиҳаси 2.3-бандида кўрсатилган барча мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (шахслар) билан келишгандан сўнг, Ташаббускор:

- Келишилган шартнома имзоланиши ва Жамиятнинг муҳри билан тасдиқланиши учун ваколатли ходимга тақдим этади. Жамият томонидан тузилган шартнома Марказий бухгалтерияда муҳрланади;

- шартномани рўйхатдан ўтказишнинг тўғри сақланишига масъул Марказий бухгалтерия Жамият шартномалари реестрига мувофиқ сана ва рақамни кўрсатган ҳолда шартномани рўйхатдан ўтказишга топширади.

2.12. Шартнома барча томонлар тарафидан имзоланган битта ҳужжатни расмийлаштириш орқали тузилади.

2.13. Жамият номидан битимлар фақат бошқарув раиси (Устав асосида) ва (ёки) Жамиятнинг ваколатли ходими томонидан (Жамият номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида, ишончнома рақами (белгиланган намунадаги), сана, лавозим ва Ф.И.О). имзоланади.

2.14. Шартномани имзолашга топширишдан олдин Ташаббускор келишиш варагида барча керакли визалар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

2.15. Ташаббускор шартномани имзолаш учун топширишдан олдин шартнома имзолаган шахс томонидан кўрсатилган контрагентнинг вакили ҳужжатни имзолаш учун тегишли равишда расмийлаштирилган ваколатларга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар

контрагентнинг вакили ишончномасиз фаолият юритадиган бош директор (контрагент раҳбари) бўлса, унинг ваколатларини тасдиқлаш учун уни тайинлаш тўғрисидаги буйруқ билан ёки контрагент таъсисчиларининг йиғилиши баённомаси билан танишиш керак. Агар вакил ишончнома бўйича ҳаракат қилса, контрагент раҳбарининг ишончнома имзоси ва унинг муҳри, ишончнома берилган сана ва амал қилиш муддати, ишончнома бўйича ваколат доираси мавжудлигини текшириш керак, чунки кўрсатилган реквизитларсиз ишончнома ҳақиқий эмас.

2.16. Жамият томонидан ишлаб чиқилган ва келишилган, лекин контрагент томонидан келишмовчиликлар баёни билан қайтарилган Шартномани Ташаббускор Жамиятнинг Юридик бўлими билан биргалиқда келишмовчиликлар баёнини олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida кўриб чиқиши керак. Кўриб чиқиш асосида:

- агар кўрсатилган келишмовчиликлар қабул қилинса, Ташаббускор контрагентнинг таклифларини (изоҳларини) ҳисобга олган ҳолда, янги шартнома лойиҳасини тайёрлайди ва уни ушбу қоидаларнинг 2 -бўлимида белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлади.

- агар контрагентнинг таклифлари (изоҳлари) рад этилса, тегишли таркибий бўлинма контрагентга келишмовчиликлар баённомаси ва унинг таклифларини (изоҳларини) рад этиш учун асосланган шартнома юборади.

### **3. ШАРТНОМАЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ**

#### **3.1. Шартномалар фақат ёзма равишда тузилади.**

Жамиядда шартноманинг асосий матнiga киритилмаган, унга илова қилинмаган ёки бошқа белгиланган шаклда тасдиқланмаган ва Жамиядда қабул қилинган келишув тартиб-таомилларидан ўтмаган контрагентлар билан ҳар қандай келишувни (ёзма ёки оғзаки) тузиш тақиқланади. Тузилган ҳар бир шартнома тарафларнинг барча шартлари ва келишувларини тўлиқ ўз ичига олиши керак.

3.2. Ваколатли ходимлар томонидан имзоланган шартнома унда кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади. Шартнома шартларини келишилмаган тарзда рад этиш ва / ёки ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

3.3. Шартномаларда қуидаги қоидалар бўлиши керак (бундан кейин - Тижорат шартлари деб юритилади):

- Жамият ва контрагентлар ўртасида ўрнатилган ҳукуқий муносабатларнинг моҳиятини акс эттирувчи мавзу;

- харид қилинадиган товарлар ёки хизматлар/ишлар сметасининг спецификацияси (шартномада сотиб олинган товарлар/хизматлар/ишларга талабларнинг тўлиқ ва тўғри кўрсатилиши);

- шартнома нархи ёки уни аниқлаш тартиби (тўғридан тўғри шартнома матнида ёки шартноманинг тегишли иловасида, шартноманинг ажралмас қисми сифатида бундай илова кўрсатилиши шарт);
- тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари;
- ҳисоб-китоб қилиш тартиби;
- тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари;
- мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик;
- низоларни ҳал қилиш тартиби;
- юридик манзиллар (почта тафсилотлари), банк ҳисоблари ҳақидаги маълумотлар, факс ва алоқа телефон рақамлари, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса).
- шартнома муддати;
- реклама тақдим этиш тартиби.

### 3.4. Шартноманинг мажбурий шартлари қуидагилардир:

#### 3.4.1. Муқаддима (ёки кириш қисми):

- шартноманинг номи (масалан, олди-сотди шартномаси, етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, ижара ва ҳ. к.);
- шартнома имзоланган сана;
- шартномани имзолаш жойи (шаҳар ёки туман);
- контрагентнинг юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида рўйхатдан ўтган фирмасининг тўлиқ номи, шунингдек, шартнома бўйича тарафларнинг қисқартирилган номи ("буюртмачи", "харидор", "ижарачи" ва бошқалар);
- шартномани имзолаган шахсларнинг лавозими, Ф.И.Ш., шартномани имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларга кўрсатмалар. Шартномани имзолаш шартнома муқаддимасида кўрсатилган шахслар томонидан амалга оширилиши керак. Агар имзоловчи шартноманинг муқаддимасида кўрсатилмаган шахс бўлса, "апостроф", "вергул" ва юқоридаги бошқа белгилар билан шартномада кўрсатилган лавозимни белгилаш тақиқланади.

#### 3.4.2. Шартнома мавзууси:

- шартнома предмети, яъни тарафлар аниқ келишиб олган нарсалар;
- шартнома нархи ва ҳисоблаш тартиби.

Шартноманинг нархи Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланиши керак. Импорт ёки экспорт шартноманинг нархи ҳар қандай эркин алмаштириладиган хорижий валютада ифодаланиши мумкин. Нархлари чет эл валютасида ифодаланган шартнома бўйича тўлов Ўзбекистон Республикасининг валюта операцияларини тартиба солувчи қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ амалга оширилади:

- шартнома бўйича тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари;

- тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддати.

Ушбу бандда кўрсатилган шартларнинг мазмуни шартнома турига ва унинг тузилишининг ўзига хос хусусиятига боғлиқ.

### **3.4.3. Коррупцияга қарши кураш бандлари шарҳи**

3.4.3.1. Жамият томонидан тузилган барча шартномалар (шу жумладан, олди-сotti, хизматлар кўрсатиш, корпоратив, қўшма корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар ва бошқалар) коррупцияга қарши кураш бандини ўз ичига олиши керак (ушбу қўлланмага 2-илова), мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тасдиқланган ва ўзгартирилиши мумкин бўлмаган шартномалар бундан мустасно.

3.4.3.2. Контрагентнинг ташаббуси билан Жамиятнинг стандарт коррупцияга қарши кураш бандлари матнига ўзгартиришлар киритиш ёки контрагент томонидан тақдим этилган намунани коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги шартномага киритиш лозим бўлса, бундай шартноманинг матнини ўзгартириш ёки тўлдириш “Коррупцияга қарши курашишива комплаенс назорати” бўлими ва Юридик бўлим билан келишиш шарти билан рухсат этилади. Зарур бўлганда, Юридик бўлим мазкур контрагентга нисбатан ўзаро ҳамкорликнинг аввалги босқичларида (масалан, ишончлилиги, харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш ва ҳ.к.) аниқланган хавфларнинг йиғиндисини баҳолаш ва коррупцияга оид хатарларни минималлаштиришга қаратилган шартнома шартларини ишлаб чиқиш учун Жамиятнинг таркибий бўлинмаларини жалб қилиши мумкин. Аниқланган хавфлар йиғиндисини баҳолашга “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими масъул ҳисобланади.

3.4.3.3. Агар Жамиятнинг контрагенти коррупцияга қарши кураш банди билан шартнома имзолашдан бош тортса, Ташаббускор бўлим шартнома матнига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши шарт, бу эса ўз навбатида, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига тасдиқлаш тартиби доирасида юборилади:

- контрагент шартномага коррупцияга қарши кураш бандини киритишдан бош тортганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, шу жумладан:

- контрагентнинг шартномага коррупцияга қарши кураш бандини киритишдан бош тортиш сабабини кўрсатган ваколатли шахсининг имзоси билан хат;

- контрагентнинг тарафлар томонидан имзоланган шартнома матнига коррупцияга қарши бандни киритишдан воз кечишини акс эттирувчи келишмовчиликлар баённомаси.

3.4.3.4. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими кўриб чиқилаётган шартнома доирасида контрагентга нисбатан коррупцияга қарши хавфларни ўзаро ҳамкорликда таҳлил қилиш

натижалари асосида коррупцияга қарши шартнома тузиш имконияти түғрисида ёзма холоса чиқаради.

3.4.3.5. Шартнома ёки қўшимча битим бўйича музокаралар олиб боришининг белгиланган тартиби доирасида Юридик бўллимнинг масъул ходими шартнома матнида коррупцияга қарши кураш банди борлигига ёки контрагент коррупцияга қарши кураш бандини қўшишдан бош тортганига ишонч ҳосил қилиши керак. 3.4.3.3-банда кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва улар бўлмаган тақдирда, шартнома матнига коррупцияга қарши кураш банди киритилиши шарт.

### **3.5. Шартноманинг бошқа муҳим шартлари**

3.5.1. Шартнома муддати Тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш шартлари номланган бўлса ҳам, кўрсатилиши керак. Бу шартнома қачон бекор қилиниши ва контрагентта қарши тегишли даъволарни қачон тақдим этиш мумкинлигини билиш зарурлиги билан боғлиқ.

3.5.2. Тарафларнинг жавобгарлиги — тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгар бўладилар.

3.5.3. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3.5.4. Шартнома бўйича ахборотнинг маҳфийлиги тўғрисидаги шартлар.

3.5.5. Шартнома тарафлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби. Тарафлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига мувофиқ амалга оширилади. Юридик бўлим ва Жамият бошқаруви раиси билан келишилган ҳолда Жамиятнинг юрисдикцияси ўзгартирилиши мумкин.

3.5.6. Тарафлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик. Қонун ҳужжатларига мувофиқ тарафлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган устувор юрисдикция Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясидир. Юридик бўлим ва Жамият бошқаруви раиси билан келишилган ҳолда Жамиятнинг юрисдикцияси ўзгартирилиши мумкин.

3.5.7. Тарафларнинг реквизитлари:

- юридик манзил;
- доимий манзил (агар юридик манзилдан фарқ қилса);
- ахборот алмашиш учун почта манзили (агар у юридик манзилдан фарқ қилса);
- контрагентнинг жойлашган жойи (манзили);
- тарафларнинг банк реквизитлари (ҳисоб рақами, банк номи, унинг манзили, рўйхатга олиш маълумотлари, шу жумладан, банк коди);
- юк ташиш учун зарур бўлган реквизитлар (темирийўл, контейнер ва башқа юклар учун).

### **3.6. Шартноманинг қўшимча шартлари**

3.6.1. Мажбуриятларни таъминлаш усуллари:

3.6.2. Тарафлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг хусусиятлари. Бу ерда ҳар бир томон учун қуидагилар кўрсатилиши мумкин:

- ахборотни тақдим этиш ва шартнома ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ваколатли шахслар. Бу икки шаклда ифодаланиши мумкин: (1) муайян ваколатли шахсларни (шу жумладан, Ф.И.О) ёки (2) лавозимларни кўрсатган ҳолда;

- тарафларнинг сўровларига жавоб бериш муддати;

- алоқа усуллари: рақамлари кўрсатилган ҳолда телефон, факс, шунингдек, электрон почта ва бошқа маълумотлар.

3.6.3. Музокаралар олдидан аввалги ишлаш босқичида эришилган келишувларнинг амал қилиши. Шартнома имзолангандан сўнг, барча дастлабки музокаралар, ёзишмалар, дастлабки келишувлар ва ният баённомалари ўз кучини йўқотади

## **4. ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамият иштирокида тузилган шартномаларнинг ҳуқуқий экспертизаси Юридик бўлим томонидан шартнома лойиҳаси ва ушбу Сиёсатнинг 2.2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

4.2. Юридик бўлим ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган шартномалар бўйича қарор қабул қилишда мустақил ҳисобланади ва фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига амал қиласди. Шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича Юридик бўлимнинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

4.3. Шартномаларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда Юридик бўлим қуидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади:

- ушбу турдаги шартномалар учун тақдим этилган шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бериши;

- тақдим этилган шартнома лойиҳаси ушбу Сиёсат талабларига жавоб бериши;

- шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонунчилик талабларига мос келиш-келмаслиги;

- тақдим этилган шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 9-бобининг 2-бандида (битимнинг ҳақиқий эмаслиги) назарда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги белгилари остида бўлмаслиги;

- харид қилиш тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилгани;

- шартномада коррупцияга қарши кураш бандининг мавжудлиги;

- шартнома бўйича имзоловчиларнинг ваколатлари.

4.4. Агар шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бўлса, Юридик бўлим шартномани ушбу Сиёсатнинг 2-бўлимида кўрсатилган тартибда кўриб чиқади.

4.5. Юридик бўлимнинг ходими ушбу Сиёсат қоидалари бўйича Юридик бўлимга юкланган вазифаларга мувофиқ, шартномаларни текшириш, шу жумладан, у тасдиқлаган ҳужжатлар лойиҳалари қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш учун жавобгардир.

4.6. Юридик бўлим қуидаги ҳолатда жавобгар бўлмайди:

- тарафлар томонидан лойиҳа бўйича ҳуқуқий экспертиза ўтказилган шартнома бандларининг ҳақиқий бажарилишига;

- шартномани бажармаслик ва/ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш тарафларнинг ваколатли вакилларининг сохта муҳрлари, штамплари, бланкалари ва имзоларидан фойдаланиш/улардан фойдаланиш билан боғлиқ учинчи шахсларнинг сохталаштириш, қалбакилаштириш ва/ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва/ёки шартноманинг бошқа элементлари ва тегишли ҳужжатлар сабаб бўлган ҳолатларда.

## **5. МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ (ШАХСЛАРНИНГ) ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Ташаббускор қуидагилар учун жавобгардир:

- шартнома тузиш учун зарур ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш;

- шартнома имзолангунга қадар ушбу Сиёсатнинг 2-бўлимининг қоидаларига мувофиқ зарур рухсатномаларни ва келишиш варақасини расмийлаштириш;

- Жамиятнинг Марказий бухгалтериясига санани ва рақамни кўрсатган ҳолда рўйхатга олиш учун шартномани ўз вақтида топшириш;

- Жамиятнинг Марказий бухгалтериясига шартноманинг битта асл нусхасининг тўлдирилган келишиш варағини, зарур келишиш ва қўшимчалар билан тақдим этиш;

- контрагентларнинг ҳуқуқий лаёқатини, уларнинг вакилларининг ваколатларини, контрагентларнинг банк ва почта реквизитларини текшириш,

- имзолаш учун тақдим этилган шартнома нусхасининг келишилган шартнома нусхасига мувофиқлигини текшириш;

- сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматларнинг Ташаббускор-бўлим талабларига мувофиқлигини текшириш;

- шартноманинг амал қилиш муддатини кузатиб бориш ва агар керак бўлса, шартномани узайтиришни расмийлаштириш;

- Марказий бухгалтерияга шартнома бўйича зарур ҳужжатларни тақдим этиш (етказиб бериш-қабул қилиш далолатномалари, хисобварақалар ва х. к.);

- контрагент ўз мажбуриятларини шартнома шартлариға мувофиқ бажармаган пайтдан бошлаб Жамиятнинг Марказий бухгалтериясига ҳамда Юридик бўлимига 7 (етти) иш кунидан кечиктирмай хабар бериш, шунингдек, контрагент томонидан контрагентнинг шартнома мажбуриятлари шартнома шартлариға мувофиқ бажарилмаган тақдирда даъво-ариза ишларини амалга ошириш учун тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, унга илова, тарафлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қўшимча битимлар ва бошқа ҳужжатлар) нусхаларини юбориш.

5.2. Шартнома тузиш учун Ташаббускор контрагентдан ушбу Сиёsatнинг 3-иловасига мувофиқ ҳужжатларни талаб қилиши керак.

5.3. Ташаббускор-бўлим (Раҳбар сифатида) қуидагиларга жавобгар бўлади:

- шартномада тижорат шартларини тўғри ва тўлиқ кўрсатилишига;
- харид қилинаётган товарлар/ишлар/хизматлар Ташаббускор-бўлим талаблариға мувофиқлигига;
- шартнома шартларини бажаришга.

5.4. Марказий бухгалтерия қуидагилар учун жавобгардир:

- шартнома шартларининг Марказий бухгалтерия талаблариға мувофиқлиги ва солиқ билан боғлиқ хавфларнинг олдини олишга;
- тўлов тартибининг Жамият талаблариға мувофиқлигига;
- тузилаётган шартнома учун тегишли бюджет мавжудлигини текширишга;
- шартномаларни расмийлаштиришнинг тўғри бажарилишини назорат қилишга.

5.5. Жамиятнинг “Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил” бўлими қуидагиларга жавоб беради:

- тасдиқланган бизнес-режага асосан шартнома бўйича харажатларнинг мувофиқлиги учун шартнома тузишга.

5.6. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими қуидагилар учун жавобгардир:

- контрагент ташабbusи билан Жамиятнинг коррупцияга қарши стандарт бандини шартномадан чиқариб ташлаш ёки унинг матнига ўзгартириш киритиш тўғрисида келишишга.

5.7. Юридик бўлим ходими қуидагилар учун жавобгардир:

- ушбу Сиёsatнинг 5 - бўлимига мувофиқ ҳуқуқий экспертизани ўтказишга;

- шартнома шартларининг қонун ҳужжатлари талаблариға мувофиқлигига;

- шартномада коррупция хавфини минималлаштиришга қаратилган шартлар, шу жумладан, коррупцияга қарши кураш банди мавжудлигига;

- контрагентлар шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Жамият манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга;

- Кузатув кенгаши билан шартнома тузиш ва бундай келишувни олиш зарурлигини таҳлил қилиш.

5.8. Жамиятнинг шартнома лойиҳасини тасдиқлашда иштирок этувчи барча таркибий бўлинмалари вакиллари қуидаги хуқуқларга эга:

- Ташаббускордан шартномани таҳлил қилиш ва тасдиқлаш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек, шартномани кўриб чиқиш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича тушунтиришлар, изоҳлар ва/ёки тавсияномаларни сўраш ва олиш;

- қонун хужжатларига зид ва/ёки Жамият манфаатларини тўлиқ акс эттирмайдиган шартномалар лойиҳасини Ташаббускорга қайта кўриб чиқиш учун қайтариш, уларнинг эътиrozларини асослаб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида хулоса бериш;

- шартнома тузиш масалалари бўйича етказиб берувчилар вакиллари билан ўтказилган учрашув ва музокараларда иштирок этиш.

## **6. ШАРТНОМАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА САҚЛАШ**

6.1. Ушбу Сиёсатнинг 2.2-бандида кўрсатилган шартномалар ва хужжатларнинг асл нусхалари, шунингдек, ушбу Сиёсатнинг 5.2-бандида кўрсатилган контрагент хужжатлари Марказий бухгалтерияда сақланади ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ йўқ қилинади.

6.2. Тузилган шартномаларнинг нусхаларини учинчи шахсларга тақдим этиш фақат уларнинг ёзма илтимосига биноан фақат Жамият бошқаруви раиси руҳсати билан амалга оширилади.

6.3. Ҳар икки томон имзолагандан сўнг барча шартномалар ва қўшимча битимлар рўйхатга олиниши ва электрон маълумотлар базасига (Шартномалар реестрига) киритилиши керак. Тегишли жавобгарлик Марказий бухгалтерияга юклатилади.

6.4. Марказий бухгалтерия тегишли тарзда келишилган, имзоланган ва рўйхатдан ўтган шартномасиз тўловларни амалга оширмайди.

6.5. Ушбу Сиёсат қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда, Жамиятнинг Бош бухгалтерияси шартномани тўлашни тўхтатиши ва ёзма равишда (шу жумладан, электрон почта, электрон хужжат айланиши ёки хизмат хати орқали) тўловни тўхтатиб туриш ҳақида Ташаббускорга хабар бериши керак. Ташаббускор аниқланган қоидабузарликларни ҳисобга олган ҳолда, шартнома бўйича тўловни келишиш тўғрисида Ташаббускор-бўлим бошлиғига ва Жамият Бошқарув раисига мурожаат қилиши керак. Бундай ҳолларда тўлов фақат Жамият Бошқарув раисининг ёзма розилигидан сўнг (шу жумладан, электрон почта, электрон хужжат айланиши ёки хизмат хати орқали) амалга оширилади.

## **7. БОШҚА ҚОИДАЛАР**

7.1. Ваколатли ходимлар томонидан имзоланган шартнома унда кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади. Шартнома шартларини келишилмаган ҳолда рад этиш ва/ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.2. Жамиятнинг контрагентлар билан тузилган шартномалари бўйича ўзаро ҳамкорлиги расмий ёзишмалар орқали амалга оширилади. Ваколатли ходим томонидан имзоланган шартномани бажариш масалалари бўйича хат шартнома бажарилишининг бир ёки бошқа масалалари бўйича Жамиятнинг расмий позициясини ифодалайди.

7.3. Келишиш варақасини топширган мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (шахслар) ушбу Сиёsatда ҳар бир мувофиқлаштирувчи бўлинма (шахс) учун белгиланган соҳалар учун жавобгардир.

7.4. Ташаббускор ушбу Сиёsat талабларининг бажарилиши ва Жамиятнинг барча манфаатдор бўлинмалари билан шартнома лойиҳасини ўз вақтида тасдиқлаш (келишиш варақасини имзолаш) учун шахсан жавобгардир.

7.5. Жамият ходимлари томонидан ушбу Сиёsat талабларининг бузилиши Жамиятнинг ички меҳнат қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жавобгарликка олиб келади.

7.6. Шартномани келишиш варағисиз тегишли тартибда расмийлаштирган ва имзолаган Жамиятнинг ваколатли ходими Жамиятнинг ички меҳнат қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ жавобгар бўлади. Агар тегишли визалар билан расмийлаштирилмаган ва келишиш варақаси бўлмаган ҳолда тузилган шартнома Жамиятга зарар етказса, бундай шартномани имзолаган ваколатли ходим Жамиятга етказилган зарарни тўлиқ қоплаши шарт.

### Шартномани келишув вараги

**Контрагент** \_\_\_\_\_

**Шартнома предмети** \_\_\_\_\_

**Шартноманинг умумий суммаси** \_\_\_\_\_

**Ташаббускор бўлим** \_\_\_\_\_

(Такрибий бўлинманинг номланиши)

**Бюджет мавжудлиги ҳақида эслатма** \_\_\_\_\_

(кўрсатинг: ҳа / йўқ, бюджет мақомининг номи, ФИО, лавозими, санаси, текширувчининг имзоси)

**Контрагентни текшириш ҳақида эслатма** \_\_\_\_\_

(ҳа / йўқ, агар шундай бўлса, сана ва натижанинг кўрсатинг( ижобий / салбий); текширувчининг ФИО, имзоси, санани кўрсатинг)

№ т/р	Мувофиқлаштирувчи шахснинг лавозими	Шахсий имзо, электрон рақамли имзо	Келишиш санаси	Эслатма
1	Ташаббускор			
2	Ташаббускор-бўлим бошлиғи			
3	“Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил” бўлими			
4	Бош бухгалтер			
5	“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими (ушбу Сиёсатнинг 3.4.3- бандида назарда тутилган ҳолларда)			
6	Юридик бўлим ходими			
7	«Ўзбекгеофизика» АЖ Бошқарув Раисининг ўринбосари			

## **Шартноманинг коррупцияга қарши банднинг намунаси**

1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида Тарафлар амалдаги қонунчилик талабларига, шу жумладан, коррупцияга қарши кураш талабларига риоя этилишини таъминлайдилар. Ушбу шартнома мақсадлари учун Тарафларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициарлар ва шартномани бажариш учун жалб этиладиган бизнес ҳамкорлар, воситачилар, пудратчилар ёки агентлар пора бериш ёки олиш, тижорат пора бериш, порахўрлиқда воситачилик қилиш, давлат органининг, хусусан, давлат иштирокидаги ташкилотлар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимини пора эвазига пора бериш ёки олишга ундаш, жиноят йўли билан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда назарда тутилган бошқа қонунбузарликлар тақиқланади.

2. Тарафлар бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали, таклифлар, ваъдалар, уйлар, товламачилик, сўровлар, пул маблағлари, бошқа қимматбаҳо буюмлар, мол-мулк, мулкий ҳукуқлар ёки бошқа моддий ва/ёки номоддий фойда олиш учун розилик ёки бирон-бир шахсдан асоссиз фойда олиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш, шу жумладан, Тарафлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўришни кафолатлайди.

3. Тарафлар ва уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициарлар ёки улар томонидан шартнома ижроси доирасида жалб қилинган шахслар, ушбу шартноманинг коррупцияга қарши кураш бандлари бузилиши ёки бузилиши эҳтимоли шубҳалари юзага келганлиги тўғрисида бир-бирларини ёзма шаклда (шу жумладан корпоратив электрон почта орқали) очик ва дарҳол ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

Шунингдек, Тарафларнинг бирида амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки ушбу шартноманинг бошқа Томонида, унинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициарлар ёки шартномани бажариш доирасида жалб қилган шахслар томонидан коррупцияга қарши бирон-бир қонун бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкинлиги ҳақида асосли шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, ушбу Томон сўров олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун иш куни ичида унга қонун бузилиши фактини рад этувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва маълумотлар / ҳужжатларни тақдим этиш талаби билан ёзма сўров юбориш ҳуқуқига эга.

4. Ушбу бобнинг талаблари Тарафлардан бири тарафидан бажарилмаган тақдирда, шунингдек, бошқа Томон тарафидан белгиланган муддатда қонун бузилиши содир бўлмаганини ёки содир бўлмаслигини, шунингдек, коррупция хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилганлигини тасдиқлаган тақдирда, бошқа Томон ушбу шартномани бир тарафлама тартибда бекор қилиш, шунингдек, унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир тарафлама бекор қилишни талаб қилган Томонга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу шартноманинг \_\_\_\_\_ бандида белгиланган тартибда амалга оширилади, бунда ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган Томон шартномани бир тарафлама бекор қилиш оқибатида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

6. Агар шартнома томони Жамият ходимларининг ушбу шартноманинг коррупцияга қарши бандларига ва/ёки амалдаги қонунчиликка зид бўлган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцион қонунбузарликларни содир этишга мажбур

қилиш фактларига дуч келса, бу ҳақда қуидаги алоқа каналларидан бирига хабар берилиши керак:

- \* "Ишонч телефоны" га + 71-000-00-00 рақамига оғзаки мурожаат;
- \* Жамиятнинг почта манзилига юборилган ёзма ёки ташриф орқали мурожаат: 100060, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Буюк келажак кўчаси, 5 уй;
- Жамиятнинг расмий веб сати: [uzbekgeofizika.uz](http://uzbekgeofizika.uz) электрон манзили орқали мурожаат;
- Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими электрон почта манзили: [anticorruption@geofizika.uz](mailto:anticorruption@geofizika.uz) орқали мурожаат.

**5.1. Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган контрагентлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

№	Ҳужжатнинг номи	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Янги контрагент	Амалдаги контрагент
1	Давлат рўйхатидан ўtkазилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (Гувоҳнома)	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Мажбурий	т/р
2	Солиқ ҳисобини юритиш тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, СТИР	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Мажбурий	Мажбурий
3	Юридик шахсларнинг Ягона давлат реестрига кирганлиги тўғрисидаги маълумотлар	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Мажбурий	Мажбурий
4	Устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси мавжуд бўлганда (камида титул саҳифаси, юридик манзил, фаолият турлари, устав капитали, муассислар, ижро этувчи орган, муҳрли бўлган саҳифа)	Юридик шахс	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талаб қилинг
5	Паспорт нусхаси	Якка тартибдаги тадбиркор	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талаб қилинг
6	Контрагент вакилининг Жамият билан шартнома, шу жумладан, шартнома муносабатларини тузиш ваколатини тасдиқловчи ишончномаси ёки бошқа ҳужжатлар нусхаси	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Мажбурий	Мажбурий
7	Контрагентнинг мулкчилик тузилмаси тўғрисидаги гувоҳнома, шу жумладан, якуний бенефициарлар даражасидаги барча мулқдорларнинг (хат ва/ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар кўринишида тақдим этилиши мумкин)	Юридик шахс	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талба қилинг
8	Ўтган ҳисобот йилининг молиявий ҳисоботи ёки охирги ҳисобот йилидаги аудиторлик ҳисоботи	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Мажбурий	Мажбурий
9	Талаб қилинган ишларни/хизматларни бажариш учун малакали ходимларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва/ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин)	Юридик шахс	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талаб қилинг
1	Лицензия ва мувофиқлик	Юридик шахс/	Харид	Харид

№	Хужжатнинг номи	Юридик шахс/ Якка тартибдаги тадбиркор	Янги контрагент	Амалдаги контрагент
0	сертификатлари	Якка тартибдаги тадбиркор	қилинган товарлар/ ишлар/ хизматлар турига қараб мажбурийдир	қилинган товарлар/ ишлар/ хизматлар турига қараб мажбурийдир

## 5.2. Чет эллик контрагентлардан талаб қилинадиган хужжатлар<sup>1</sup>

	Хужжат номи	Янги контрагент	Амалдаги контрагент
1	Рўйхатга олиш гувоҳномаси	Мажбурий	т/р
2	Солик ҳисобини юритишни тасдиқлаш	Мажбурий	Мажбурий
3	Акциядорлар гувоҳномаси	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талааб қилинг
4	Директор ва котибнинг гувоҳномаси	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талааб қилинг
5	Савдо реестри/Жамият реестридан олинган кўчирма	Мажбурий	Мажбурий
6	Таъсис хужжатлари	Мажбурий	Ўзгариш бўлса, талааб қилинг

**Эслатма:** агар лозим бўлса, тасдиқлаш босқичида керакли ҳужжатлар рўйхати Ташаббускор ташаббуси билан кенгайтирилиши мумкин.

<sup>1</sup> Рус/ўзбек тилига нотариал тасдиқланган таржимани ўз ичига олади